



“Бир ёшга бир гектар” лойиҳаси Беруний туманида старт олди

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса ёшлар ва аёллар дафтарида турғанлар билан ишлаш тизимини янада мустаҳкамлаш борасида кўпгина амалий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Бугун Беруний тумани Абай ва Шоббоз ОФИ ҳудудларида старт олган “Бир ёшга бир гектар” лойиҳаси доирасида, 25 нафар ёшларга 16 гектар ер дехқончилик қилиш учун ажратиб берилди.




Тумандаги Абай ОФИ, Бўстон аҳоли манзилидаги “Тошхирмон пахта ҳосили” фермер ҳўжалигида 15 нафар ёшларга 0.5 га дан ер ажратилди. Беруний туман ҳокими А.Сапарбаев, сектор раҳбарлари, Ёшлар ишлари агентлиги, ОФИ раислари ва Абай ОФИ нуронийлари иштирокида ёшларга оқ фотиҳа бериб, ишларига барака тилади. Ёшларга берилаётган бундай кенг кўламли ишларни амалга оширишда тумандаги сектор раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонаси Беруний тумани бўлими, қишлоқ ҳўжалиги бўлими Дехқон фермер ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамкорликда бу лойиҳани амалга оширишга киришди.



Туман ҳокими А.Сапарбаев ер олиб, дехқончилик бошлиётган ёшларга солик имтиёзлари бўйича тушунчалар берди ва ҳар бир ёш эътибордан четда қолмаслигини таъкидаб ўтди. Беруний тумани бўйича 7500 нафар ёшларга, 2000

гектар ер берилиши режалаштирилган.



Беруний тумани ҳокимлиги ахборот хизмати